

26 (1178)-сон 2 июль 2014 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият



Муҳаммадкарим ШОМУРОВ
сурат-лавҳаси.


Табиатнинг бетакрор лаҳзалари



“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна бир
ҳақиқий аззоси сифатида қадр-
лаб, биз билан ҳамфикр,
ҳаммаслак бўлиб келаётган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга
йил бўйи обуна
бўлишингиз мумкин.



Индекс — 176



Муножот
ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон
халқ артисти:

ЮРАКЛАРГА ЙЎЛ ИЗЛАЙМАН!

ҲАР ҚАНДАЙ БЕЛГИ САРАТОН БЎЛАВЕРМАЙДИ



ПУЛНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР



ҲИКМАТ

Бефойда сўзни
кўп айтма ва фой-
далиғ сўзни эши-
турдин қайтма.

Алишер НАВОИЙ.

МАСТОНОЙ МОМОНИНГ МАКТАБИ

Мастоной ая неvara-чевараларига ўзининг ўтган умр йўллари ҳақида сўзлаб берса, улар эртақ дейишади. Эсида, ака-опалари — Амалбой, Бахриноса, Салимбой, Ўралбой ва Хурсаной билан етимликда бир-бировларига суяниб улғайишди. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларини эсласа, ҳали-ҳануз юраклари увишиб кетади. Қишлоқдаги ҳамма меҳнатга яроқли, қўлига курол олишга лойиқ эркак зоти фронтга кетган, оиладаги киз-жувонлар бугдой ўримиға чиқар, машок қилишарди.

— Уруш даври, ундан кейинги йиллар ҳам осон кечмаган, — дейди онахон. — Бир коса қайноқ атала, бир бурда иссиқ жўҳори нонга етган кунимиз ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик. Қайнонам — Хонбуви эна билмаганларимни ўргатган, онамдай қадри эди. Болаларимнинг отаси билан (охира-ти обод бўлсин) элик йилдан зиёд умргузаронлик қилдик.

Дарвоқе, Маматқул Жўраевни сирдарёликлар яхши билишади. У киши бир коса йил ҳозирги Мирзаобод туманидаги хўжаликларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Умрининг кўп қисмини тadbиркорлик ишларига, савдо соҳасига бағишлаган эди.

Мастоной момо Маматқул бобо билан бир этак ўғил-қизларни вояга етказишди. Талабчан ота болаларининг барчасини касб-хунарли қилиб тарбиялади. Озода педагог, Дилором инглиз тили ўқитувчиси, Саодат ҳамшира, Фурқат агроном, Маҳмуд инженер, Асилбек гидротехник, Улуғбек тadbиркор, Шероз, Комилжон ва Мавлуда иқтисодчи... Олти келини бир-бирдан чаққон, уйимжойим дейдиганлар хилидан. Каттаси Махфират ўқитувчи, Муборак ҳамшира, Санобар, Сайёра шифокор, Фотима, Барно ўқитувчи. 35 неvara, қирқдан ортқ чеваранинг суюмли бувижониси уларни дуо қилишдан толмайди.



миз. Ҳозир эса хотин-қизларнинг ўқиши, илм эгаллашдан тортиб, касб-хунар эгаллашигача давлат томонидан катта имкониятлар яратилган.

Мастоной она юртимиздаги ободончиликдан, тўкинчиликдан фаҳрга тўлиб сўзлайди. Шундай обод кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтади.

— Ака-укаларимнинг фарзандлари билан жону жигар-

Юз билан юзлашганлар

дек ўсдик, — дейди онахон. — Раҳматли янгамиз Улуғой Камолова меҳрибон, фидойи аёллардан эди. Ҳаммамиз ҳаётда муносиб ўрнимизни топишимизда Амал акам билан шу янгамнинг (Оллоҳ раҳмат қилсин) хизматлари катта бўлган. Жияним Мирза Амалов худди отасига ўхшайди, менга жуда ғамхўр. Бошқалариям шундай меҳрибон. Меҳр кўзда, деб бежиз айтишмаган. Қариндошлар, кўни-қўшнилар борди-келдили бўлса, меҳр ришталари узилмайди.

Даштобод шаҳрида яшовчи бу онахонга айниқса, Асилбек билан келини Санобар алоҳида ғамхўрлик кўрсатишади. Қариси бор уйнинг париси бор, деганлари балки шудир. Неvarаси Ноилжон ва неvara келини Дилнавоз унинг кўнглини олишга интилишади. Онахон уларнинг олти ойлик Давлатбек исмли ўғилчасини қўлга олиб эркалайти. Зурриёдлари бахтли яшашини орзулайди. Ота-боболари кўрмаган яхши кунларни улар кўраётганидан чин дилдан қувонади.

Юзларидан нур ёғилиб турган, бугун салкам бир асрлик умрни кўрган Мастоной момонинг ўзига хос ҳаёт мактабида оналарга, ёш жувонларга ва қизларга, мос қанчадан-қанча ибратли воқеалар панду насихатлар мужассам. Йўлингиз тўсша, бу табаррук онахонни бир зиёрат қилиб, унинг ҳаёт сабоқларидан баҳраманд бўлинг, дегимиз келади.

Нориниса ҚОСИМОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Сирдарё вилояти.

ЎЗИ ҲАМ, ФИКРИ ҲАМ СОҒЛОМ

Фаолият

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, келажак эгалари бўлган ёшларнинг ҳиссонига ва маънан соғлом ўсишлари, ўз иқтидорларини ривожлантириб, қобилиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Бугунги кунда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазибаларнинг ҳаётга изчил тadbик этилаётгани жамиятимиз таракқиётда ўз ифодасини топмоқда. Албатта, фарзандларимиз учун яратилган имкониятларнинг беқадр аҳамияти, улар замиридаги эзгу мақсадларимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларимизга мунтазам тушунириб, тарғиб этиб боришимиз ҳар бир ўғил-қизни бу имконлардан унумли фойдаланиш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга ундайди.

Туман ФХДё бўлимимиз ҳамда бир қатор муассаса ва ташкилотлар, маҳаллалар билан ҳамжиҳатликда жойларда ўтказилаётган тарғибот тadbирларида ана шу жиҳатларга алоҳи-

да эътибор қаратилмоқда. Ота-оналар ва ёшлар иштирокида ташкил этилаётган бундай тadbирларда ҳуқуқшунос мутахассислар, тиббиёт ходимлари, зиёлилар қатнашиб, улар билан жонли мулоқотлар қилинаётгани тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошираётти. Чиндан ҳам ёшларимиз ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиб камол топишга, замонавий билимларни пухта эгаллашга, эл-юртига наф келтирадиган инсон бўлишга интилаётгани бизни беҳад қувонтиради. Уларнинг ўзи ҳам, фикри ҳам соғлом бўлиб вояга етишмоқда.

Соғлом фарзандлар оиланинг мустаҳкам бўлишида ижобий ўрин тутишини никоҳни расмийлаштириш мақсадида ҳузурига келган йигит-қизлар ҳам олдиндан яхши англаётгани эса яна бир эътиборга молик жиҳат.

Сайёра АЛИМҚУЛОВА,
Ўртачирчиқ туман
ФХДё бўлими мудири.

БУХОРОДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Тadbир

Ёшларни мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида “Камолот” ЁИХ томонидан анъанавий тарзда ташкил қилинаётган “Биз буюк юрт фарзандларимиз” ёшлар фестивали бу гал Бухоро вилоятида бўлиб ўтди. Республикамиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, маънавият ва маърифат, шунингдек, соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишидаги тadbирлар вилоятнинг барча ҳудудларидаги ёшларни ягона мақсад йўлида чин маънода бирлаштира олди.

— Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида биз ёшларнинг илм олишимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз, спорт, тadbиркорлик ва бадий ижод билан шуғулланишимиз учун барча имкониятлар яратиб берилганидан мамнунимиз, — дейди Олот педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси, фестиваль иштирокчиси Фаррухбек Қасрамонов. — Бизлардан талаб қилинадигани эса фақат тиришқоқлик ва кунт билан ўқиб-ўрганишдир. Мен болалигимдан муай-тай спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келаяпман. Яқинда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медали соҳиби бўлдим.

Республикаимизнинг таниқли фан арбоблари, ёзувчи, шоирлар ва адиблар, театр ва кино ижодкорлари ҳамда эстрада хонандалари фестиваль доирасида Бухоронинг шаҳар-туманларида тарғибот лойиҳалари, ижодий учрашувлар ўтказиш мақсадида вилоятга ташриф буюришди. “Депутат ва ёшлар”, “Президент асарлари билимдони”, “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз”, “Интернет ва ёшлар”, “Омивий маданият ва ёшлар маънавияти” ҳамда “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” каби мавзулардаги лойиҳаларда академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари фаол иштирок этишди.

Фестивалнинг сўнгги куни санъат усталари иштирокида Бухоро спорт мажмуасида ташкил этилган галаконцерт тadbирга ўзгача файз ва шуқуҳ бахш этди.

Маърифат АБДУҲАМИДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Бухоро вилояти.

Ибрат

ҚАЛБ МЕЪМОРИ

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида Усмонжон Исломовни тиниб-тинчимас ва жонқуяр инсон сифатида яхши танишади. Самарқанд давлат педагогика институтини тамомлагач, ўз фаолиятини тумандаги 90-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беришдан бошлаган Усмонжон ака педагогик касбини ардоқлаб кам бўлмади.

— Ўқитувчиликда шарафли касбга меҳр ва ҳавас уйғотган инсонлар менинг болалиқдаги илк устозларимдир, — дейди айти пайтда Ургут савдо ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ёшларга сабоқ бериб келаётган Усмонжон Исломов. — Бошланғич синфларда ўқиётган кезларим Баҳриддин ака Салимов, юқори синфларда эса Муродилла Ибрагимовларнинг дарс бериш усуллари менга ҳамиша ибрат бўлган. Бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беришнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Баҳриддин ака ҳар доим қалин папкасида бирорта ширинлик ёки рангли қалам олиб юрарди. Чиройли ва беҳато ёзадиган, шеърларни ўз вақтида ёдлаб келадиган ўқувчиларни беш баҳодан ташқари ширинлик билан ҳам сийларди. “Эркатой” ўқувчилар ширинликдан бебаҳра қолмаслик, устознинг меҳрини қозониш учун яхши ўқишга астойдил ҳаракат қиларди. 90-умумтаълим мактабида иш бошлаганимда ҳеч иккиланмай Баҳриддин акадан ўрганган аjoyиб усулларни қўлладим.

Бугунги кунда ёшларнинг қизиқиши ҳамда истеъдодига қараб касб танлашга йўналтириш борасида Ургут савдо ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда замон талабларига мос тарзда дарслар ўқитиб келинмоқда. Кўп йиллик бой тажрибага эга Усмонжон Исломов ўқувчиларнинг орзу-мақсадлари ва интилишларига қараб мутахассислар иштирокида “Ёшлар маънавиятига масъулмиз”, “Тиббий кўрик-саломатлик гарови” каби қатор мавзулардаги тadbирларни уюштиришда ташаббус кўрсатиб келмоқда.

Яна бир ибратли жиҳати, Усмонжон аканинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Умр йўлдоши Дилфуза Мухторованинг ишдаги ва оиладаги тутумлари, муомала-муносабатлари фарзандлари ва шогирдларига ибрат бўлмоқда.

Узоқ ОМОНОВ,
Самарқанд вилояти.


ЭЗГУЛИК ЙЎЛАРИДА



Обод манзиллар

Юртимиз тўрт фаслда ҳам ўзининг гўзал табии, бетакрор манзилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан маълуму машҳур десак янглишмаймиз. Айниқса, саховатли ёзда ҳур бир ҳудудда ўзгача манзарига гувоҳ бўламиз. Қашқадарё замини эса бу борада янада серфайз, тароватли. Яқинда биз Яккабоғ туманида ижодий сафарда бўлганимизда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Туман номининг ўзиёқ ушбу таърифга мисол бўла олади.

Халқимиз — асосий бойлигимиз экан, юртдошларимизнинг соғлиги, хусусан, жондан азият фазилатларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом ўсишлари биз учун ҳар нарсадан муҳим саналади. Шу эзгу мақсадда, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, Яккабоғ туманида ҳам қатор кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Айни пайтда туманда марказий шифохона, 21 та қишлоқ врачлик пункти, болалар шифохонаси ва туғуруқхоналар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.



— Туғуруқхонамиз 70 ўринга мўлжалланган бўлиб, барча шартшароитлар муҳайё этилган, — дейди **2-сон туғуруқхона бош шифокори Шухрат Эшмўминов**. — Туманимизда туғиш ёшидаги аёллар сони 60 минг 103 нафарни ташкил этади. Шифо масканимиз “Саломатлик — 1”, “Саломатлик — 2” дастурлари асоси-

Шифокорлардан Рўзимурод Хидирназаров, бош доя Матлуба Сафарова, катта ҳамшира Замира Хушмуродова, акушер-гинеколог Орзикул Жавлиевларнинг малакали хизматидан туман аҳли доим миннатдор.

Туманнинг чекка ҳудудларидан бири Дархон маҳалласида Саноат ва қайта ишлаш касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Бу даргоҳда Дархон ҳамда Каттабоғ маҳаллалари, Хиёбон ҚФДдан келган ўқувчилар 8 та йўналиш бўйича таҳсил олишади.

— Коллежимизда 64 нафар ўқитувчи, 16 нафар ишлаб чиқариш устаси, шунингдек, 19 нафар ишчи-ходимлар ўқувчиларнинг билим ва касб сирларини пухта эгаллашлари йўлида хизмат қилишяпти, — дейди **коллежнинг маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Аброр Бобомуродов**. — Компьютер синфлари, лингафон хоналари ва устахоналар ўқувчилар ихтиёрида. Ишлаб чиқариш устахоналарида замонавий тикув машиналаридан тортиб, чилангарлик асбобларигача бор.

Эрта баҳордан коллеж ҳовлисиغا минг туп мевали ва беш юз туп манзарали кўчатлар ўтказган эдик. Яқинда ўқув юртимизни битирган 292 нафар ўқувчиларга оқ йўл тиладик, уларни иш билан таъминлаш мақсадида 92 та корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари билан уч томонлама шартнома тузилган. “Бахтли”, “Ширмон нон”, “Кишмишли кон” хусусий корхонаси ҳамда “Ғо-йипов Бобурмирзо”, “Бахмал” фермер хўжаликлари доимий ҳамкоримиз эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Шунингдек, ҳар йили 10–15 нафар ўқувчимиз олий ўқув юртига киришга муваффақ бўлаётганидан мамнунмиз. Бу каби ютуқлар замирида уларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи ва мураббийларнинг катта меҳнатлари мужассам.

— Болалигимдан табиат ранглари тасаввуримда чизиб келаман, — дейди **тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Сарвар Эгамбердиев**, — қалб кўзининг равшанлиги мени ҳаёт би-



лан боғлаб туради. Кечагидек эсимда, беш ёшли болакай эдим, устозим Ойдин опа Хуррамова мени катта умидлар билан Қарши шаҳридаги кўзи ожизлар интернатида етаклаб борган эди. Бундай ишончни оқлаш учун тинмай изланардим ва Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетини имтиёзли тамомлаб, магистрант бўлдим. Бугунги кунда коллежда 15 та гуруҳга тарих ва ҳуқуқ фанларидан сабоқ бераёлман. Менга ҳаётда учраган қийинчиликларни енгишда яқиндан кўмак берган суянчигим, мухтарам онажонимга ҳар қанча таъзимлар қилсам-да кам. Ишонасизми, ўқувчиларим менга устоз деб мурожаат этганида қувончим ичимга сигмай кетади. Бу кунларни орзу қилганман.

Яккабоғ туманида тадбиркор, кўли гул хунарманд аёллар ҳам жуда кўп, хусусан, улар яратаётган турфа чиройли буюмлар хорижий сайёҳлар-



нинг қизиқишини ошириб, ҳайратга солмоқда.

— Бундан 21 йил аввал 10 нафарга яқин хотин-қизлар билан ўз фаолиятини бошлаган уюшмамиз аъзолари сони айти вақтда 360 нафарни ташкил этади, — дейди **туман “Тадбиркор аёл” уюшмаси раиси Жамила Туймаева**. — Уюшмамиз томонидан керакли ёрдамлар берилиб, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз фаолиятларини ташкил этиш ёки кенгайтириш мақсадида банк мусассаларидан кредит олишларида ҳам кўмаклашяпмиз.

Ўзим раҳбарлик қилаётган “Гулшан” ишлаб чиқариш корхонасида айти дамда 7 нафар доимий, 5 нафар касаначи иш билан таъминланган бўлиб, асосан тикувчилик ва машиный хизматлар ўрин олган. Тикув-

чилик бўлимимизда шартнома йўли билан бирга яқка тартибда ҳам буюртмалар оламиз. Шунингдек, тумандаги Саноат ва хизмат кўрсатиш коллежининг 70 нафар ўқувчиси мунтазам равишда амалиёт ўтайти.

— “Хунарманд” уюшмамиз 2010 йилнинг апрель ойида ташкил этилган, — дейди **“Хунарманд” уюшмаси туман бўлими раиси Муҳаббат Нусратова**. — Дастлаб айрим муаммоларга ҳам дуч келдик. Негаки, ўшанда аъзоларимизнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишни даврининг ўзи талаб қилаётган эди. Хозирги кунда 55 нафар уюшма аъзоси, 13 нафар касаначи фаолият юритмоқда. Уларга махсулот етказиб берилади, тикиб тайёрлаган буюмлари учун ҳақ олишади. Эътиборлиси, хунармандларнинг даромад солиғидан озод бўлиши ҳам уларни рағбатлантиряпти. Аъзоларимизга ижтимоий сугурта ва меҳнат дафтарчалари очилган.

“Кумуш куз файзи” МЧЖ шаклидаги агрофирмада паррандачилик йўналишида олиб борилаётган ишлар тумандаги тадбиркорларга чинакам ибрат бўлмоқда.

— 2009 йили 208 гектар майдонда яхши ниятлар билан иш бошладик, — дейди мазкур **агрофирма раҳбари Абдунаби Ғиёсов**. — Замонавий талабларга мувофиқ товуқхоналар қуриб, аввалига минг бош товуқ бокдик. Чорвачилик, боғдорчилик, баликчилик йўналишларидаги ишларимиз йил сайин ривожланди. Ҳозир 75 мингта товуқ, 25 мингта жўжа боқи-

лаяпти, ҳар куни аҳолига 60 минг донадан тухум етказиб берилмоқда. Таъкидлашим кераки, 48 нафар ишчимизнинг аксарияти коллежни тамомлаган ёшлар, шулардан 31 нафари қизлар.

Биз бугун қувонч билан сўз юритган ҳаёт мисоллар Яккабоғ туманида амалга оширилаётган улкан ишлардан бир деб оқилол. Аҳолининг турмуш фаровонлиги, яшаш даражасининг ошиб бориши, ёш авлодга эътибор, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ютуқлар, халқ таълими, қишлоқ хўжалиги, ҳуллас, барча тармоқларда эришилаётган ютуқлар, буларнинг бари эзгуликка пойдевор бўлади.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Қашқадарё вилояти.



Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевани муштарийларга таништириш, таъриф айтиш шарт эмас. Унинг номи, ижоди билан бугунги кунда дунёдаги кўпгина халқларнинг санъатсеварлари таниш, десак муболаға бўлмайди. Ҳар қандай эътироф замирида катта меҳнат ва машаққатлар ётиши табиий. Шу маънода бугунги суҳбатдошимиз билан биз ўзгачароқ руҳда гурунглашишга уриндик. Халқимизнинг суякли санъаткори айти пайтда шинавандаларни ўзининг бетакрор ижод намуналари билан баҳраманд этиш билан бирга, Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга ўзбек мумтоз кўшиқчилиги санъати сирларидан ҳам сабоқ бермоқда.

Муножот ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ЮРАКЛАРГА ЙЎЛ ИЗЛАЙМАН!

— Муножотхон, санъаткор учун йилнинг тўрт фаслида ҳам танаффус йўқ, шахсан сизда ҳам шундай муҳит ҳукмрон бўлса керак, тўғрими? Сиз ҳам зиммангиздаги вазифаларнинг ҳаммасига улгуришингиз осон эмас. Айтинг-чи, аёл учун касб маҳорати муҳими ёки оиладаги ўрними?

— Аёл киши оиласи ва ишини баравар олиб бориши мушкул, дейишади. Мен иккаласини ҳам уддалашга ҳаракат қилдим, деб ўйлайман. “Аёлнинг жони қирқта”, деган гап бежиз айтилмаган. Агар унга имкон берилса, қирқ биринчи жонини ҳам ишга солади. Бу ўзбек аёлларига хос хусусият. Лекин санъатда бугунгидек мавқега эришишни йўлидаги заҳматларга бир ўзимнинг куч-қувватим, сабрим етмаган бўларди. Турмуш ўртоғим ҳаммаи ёнимда суянчи бўлди. Унинг яқинлари, ўзимнинг яқинларим, ҳатто болаларимиз ҳам доим менга ёрдам беришган. Ҳаётдаги энг завқли нарсаси — ишдан толиқиб келганимда болаларнинг чопиб келиб, бўйнингга осилиб эркаланиши. Бундай бахтли онлар учун жонингизни бериб ишлагингиз келади. Чарчоқлар ёзилади, келгуси режалар учун куч-қувват тўплайсан.

Ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвишлари бўлади, албатта. Кексаларимиз айтганидек, болалар улғайгани сайин ташвишлари ҳам ортиб бораверади. Уларни жамиятга, одамларга фойдаси тегадиган инсонлар этиб тарбиялаш учун ота-онадан жуда катта масъулият, эътибор ва кунт талаб этилади. Энг муҳими, инсон ўз касбига ҳам, оиласига ҳам бирдек фидойи бўлиши, ҳар қандай вазиятда оқилона йўл тутиши керак. Ақс ҳолда катта мақсадларга эриша олмайд.

— Талабаларингизга талабчан экансиз, фарзандларингизга-чи?

— Нафақат талабчан, балки қаттиққўл онаман. Болалик чоғларида бирон хатога йўл қўйишса, иккала ўғлимни ҳам жазолардим. Турмуш ўртоғим болаларга қўл кўтармаганлар. “Қаҳрингиз қаттиқ, болаларни ўзингиздан бездирасиз”, дердилар менга. Тарбия масаласида ота-онадан бири қаттиқ турмас, панд еб қолишимиз ҳеч гап эмас. Болаларимнинг иккаласи ҳам олий маълумотли бўлишди, ҳаётда ўз ўринларини топишди. Болаликда олган жазолари ҳақида энди қулиб эслашади. “Яхшиям, бизнинг тарбиямизда қаттиқ турган экансиз, бунинг учун сиздан миннатдоримиз” дейишади.

— Ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кимлардир ота-онанинг кўмагига суянади. Бошқа биров машаққатларни мустақил енгиб, оёққа туришга интилади. Сизда бу ҳолат қандай кечган?

— 1978 йили Тошкентга ўқишга келдим. Ётоқхонада турганман. Институтдан олган стипендиямизга қозон осиб, таом тайёрлаб, ўз кунимизни ўзимиз кўрганмиз. Иккита кўйлакка қаноат қилганмиз. Ота-онамизга оғирлигимиз тушишини истамасдик, чунки уларнинг биздан бошқа яна бир этак болалари бор эди-да. 27 ёшимда турмушга чиқдим. Нон ёпишни овсинимдан ўрганганман. Кейин болалар туғилди, ижодий жараёнлар бошланди. Туни билан газал ўқирдим, унинг маъносини англаш учун шарҳларни ўрганардим. Ҳаётда ўз ўрнимни топишда устозларимнинг ёрдами катта бўлган. Устозим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаевнинг кўмаклари билан мақом йўлларини, мумтоз ашулаларнинг ижро усулларини ўргандим. Инсоннинг атрофида уни қўллаб-қувватлаб турувчи дўстлари бўлиши зарур. Лекин сиз айтгандек, бутун

лай ота-она кўмагига суяниб қолиш — катта хатога йўл қўйиш дегани. Бундай одамлар ота-онадан кейин кимга суянади?

— Бугун санъат оламига кириб келаётган ёшларни ўзингизнинг ёшлигингиз билан таққослайсизми? Сизнинг назарингизда уларда нималар етишмаяпти?

— Уларнинг ўқиб-ўрганиши, ҳаётда, санъатда ўз ўрнини топиши учун муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида жуда катта имкониятлар, шароитлар яратилган. Замонавий анжомлар билан жиҳозланган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг бугунги қиёфасини кўриб одамнинг ҳаваси келади. Санъат йўлига кирган иқтидорли ёшларимизнинг чет элларга ижодий сафарларга чиқиши, нуфузли халқаро танловларда иштирок этиши учун ҳам алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Бундай шарт-шароитларнинг қадрига етиш, ўтаётган ҳар бир кундан унумли фойдаланмоқ керак.

Шу ўринда кўнглимдан кечаётган бир мулоҳазани ҳам айтмасам бўлмайди. Менинг назаримда, бугунги баъзи ёшларда масъулият деган энг муҳим хусусият етишмайди. Биз бировга ваъда берсак, айтилган пайтда етиб борардик. Бу одат ҳаёт тарзимизга айланган. Ҳозирда, эътибор қилсангиз, 60 ёшли устоз айтилган вақтда етиб келади, лекин шогирдлари кечикиб юришади. Бунинг учун узр сўрашни ҳам билишмайди. Бундайлардан қандай қилиб яхши санъаткор чиқсин?

Бугунги талаба тўй-томошаларга борапти. Тўйга чиққан талабанинг эса бети қотади, дейиш мумкин. Саҳна билан тўй ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Устозим Шавкат ака талабалик давримда на телевидениега, на концертларга бо-

ришимга, на куйлашимга рухсат берганлар. Ўшанда бундай қаттиққўлликдан ҳатто ўзимча қаттиқ хафа бўлганман. Чунки ўша пайтлари айрим тенгдошларим таниқли бўлиб қолишган ва уларга ҳавасим келарди. Бугун эса устозимга шундай йўл тутгани учун мингданминг раҳматлар айтаман. Агар мен ҳам ўткинчи шон-шухратларга берилиб, доно маслаҳат ва ўғитларга риоя қилмаганимда, бугун шундай обрў-эътиборга эришмаган бўлардим.

— Муножотхон, сизни минг-минглаб мухлисларимиз номидан чин дилдан табриклаймиз — яқинда қайнона бўлибсиз. Оилада яна масъулиятингиз ошибди-да?

— Ташаккур, катта ўғлимни уйлантирдик. Қиз танлашда адашмадим, деб ўйлайман. Чунки ўғилларимга тарбияли, одобли, оила ишларида ораста келин насиб этсайди, деб орзу қилардим. Шукрки, шундай қизни топдик.

— Газетамиз муштарийларига тилакларингиз?

— Ҳар қандай санъаткорни миллий қадриятлар ва аъёналар тарбиялайди, руҳлантиради. Демак, мен ҳам ўзим туғилиб ўсган Ватанимнинг, дунёда ўз ўрни, номи ва нуфузига эга бўлган халқнинг бир заррасиман. Шундай бўлгач, элимнинг қувончига шерик бўлиш, камтарин хизматим билан садоқатли ва талабчан мухлислар кўнглига йўл топишга интилиш, булар мен учун энг асосий вазифалардан дур. Қолаверса, ўз ашулаларим билан юракларга йўл излайман!

Оилаларимизда униб, ўсиб вояга етаётган болаларимиз тарбияси учун ҳаммамиз масъулмиз. Шундай экан, ҳар биримизга фарзандларимиз камолни кўришдек улуғ бахт насиб этсин. Неча асрлардан бери яшаб келаётган мумтоз ашулаларимиз хонадонларимизда янграб турсин, қалбларга завқ, ором улашсин.

Меҳринисо ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.



“ҚУМ” сўзининг биз англайдиган қум маъносидан бошқа маъноси ҳам бор. Қадимда “Қум” сўзи сув тўлкини деган маънода ҳам ишлатилган. Қизиги шундаки, сахро ё чўллардаги катта қумликларни кузатсангиз, уларнинг худди катта сув каби тўққинлиниб турганини кўрасиз. Яъни, қумликлар сахрода сув тўлкини каби кўринишни ҳосил қиладилар. Умуман, сахрода денгизга ўхшашлик бор. “Қум”ни сув тўлкини маъносидан ишлатиш балки шундан дур.

Қумдан кўрган бўлмас.

Мақол

...дарвоза олдида тўкилган қумда ўйнаб ўтирган болақайларга бирпас завқ билан қараб ўтирдик.

Неъмат Аминов

ЛАК-ЛАК — ҳозирги тилимизда “беҳисоб, кўп, сон-саноксиз” каби маъноларни англатадиган “лак-лак” деган сўз мавжуд. Қадимги тилимизда “лак” сўзи “100 000” деган маънони англатган. 10 000 сонини “туман” сўзи билан ифода қилган, шунинг учун “лак”ни “ўн туман” ҳам дейишган.

Ки ҳисоб ичра бор эрди ўн лак,
Ҳар лаки ўн туман келиб бишак.
Алишер Навоий.

Сен лак-лак кўшинга саркарда бўладиган билимни йигитсан.

Ойбек

САЛОБАТ — тилимизда улугвор ташки кўриш, савлат, маҳобат мазмунини англатган “салобат” сўзининг туб илдизи “мустаҳкамлик”, “қаттиқлик”, “қатъийлик”, “ўзарлик” маъноларини билдирган.

Кутиб олувчилар келган меҳмоннинг салобатига ҳавас билан қараб туришарди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ҲАР ҚАНДАЙ БЕЛГИ САРАТОН БЎЛАВЕРМАЙДИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўсма касалликлар кафедраси, ультратовуш диагностикаси курси доценти, олий тоифали жарроҳ-онколог
Ҳожиакбар МИРЗАМУҲАМЕДОВ билан суҳбат



Соғлиғимиз — бойлиғимиз

— 30-50 ёшдаги аёлларнинг 60 фоизи сут безидаги оғриқлар билан шифокорга мурожаат қилишади. Статистика маълумотларига кўра, кўрак безидаги ўзгаришларнинг 80-85 фоизи фиброаденома, киста, аденоз, кистозпителлион, мастопатия каби хавфсиз ўсма касалликларни ҳисобланади, — дейди суҳбатдошимиз. — Аёлларнинг кўрак бези тўқимасидаги ўзгаришлар гинекологик касалликлар, жумладан, тумдон ва бачадондаги сурункали яллиғланишлар билан узвий боғлиқлиги ҳам аниқланган.

— Мастопатиянинг келиб чиқишига қандай омиллар сабаб бўлади? Уни рўзим?

— Аёл табиатида гормонал ўзгаришлар, асосан, эстрогени ҳолати, экологик вазияти, наслий омиллар ва носоғлом турмуш тарзи туфайли мастопатия келиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари юрак, бўйрак, жигар хасталикларидан ҳам кўракда оғриқ кузатилади. Аммо ички органлар даволанганидан кейин бу оғриқлар ўз ўзидан ўтиб кетади. Тананинг эндокрин-метаболик ўзгаришлари (қалқонсимон безнинг патологияси, семириш ва бошқалар) ҳам мастопатия юзага келиши мумкин. Шу боис бундай хасталиклар билан оғриган беморлар албатта, маммолог шифокор кўригидан ўтишлари керак.

Сут бези касалликларининг бошланғич даврида даволаш осонроқ кечади. Шу боис касалликни эрта аниқлаш учун аёл киши кўрак безларини ўзи текшириб, ундаги ўзгаришларга аҳамият қаратиши лозим. Мастопатия ҳам қанча эрта аниқланиб, муолажалар бошланса, даволашни шунча тезлашади. Хасталикнинг биринчи босқичида кўракда оғриқлар пайдо бўлади, кейинги босқичда эса оғриқ билан бирга сут бези кенгайгандек туюлади. Учинчи босқичда ҳужайра атрофидаги фиброз тўқималарнинг кўпайиши кузатилади. Аммо бу саратон олди касаллиги дегани



эмас. Чунки кўрак бези саратони ва бу касалликлар учун алоҳида генлар жавоб беради.

Кўрак бези хасталикларининг олдини олиш учун тор ва синтетик ички кийимлар кийиш, оғир юк кўтариш, кўрак безига жароҳат етказишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Кўшнинг иссиқ нурлари остида баданни қорайтириш жуда зарарли. Кўнига бир ёки икки марта сут безларини енгил уқалаб туриш қони фойда.

— Кўракдаги ассиметрик ҳолатлар нима сабабдан юзага келади. Бундай ҳолат кузатилса, аёллар нима қилишлари керак?

— Одамларнинг 15 фоизиди тананинг у ёки бу аъзосида ассиметрик ҳолат кузатилади. Айниқса, тананинг ривожланиши сўнгги босқичга келганда аъзоларнинг бири иккинчисидан катта ёки кичиклиги сезилиб қолади. Аёлларнинг кўпчилигида эмизикли пайтда кўракнинг бир томонини болага кўпроқ тутиш оқибатида ассиметрия юзага келиши мумкин. Бу хатарли эмас.

Аммо аёллар вақти-вақти билан ўзини текширганида кўрак терисида ўзгаришлар пайдо бўлса, теридаги силлиқлик турли даражада бўлса, сўргичнинг ичкарига тортилиб қолиш, сут безининг бирор жойида терининг салқин ҳолда осилиши кузатилса ва қисқа фурсатда кўракларда ассиметрия юзага келса дарҳол маммолог шифокорга мурожаат этишлари керак.

— Кўрак бези хасталикларига ташхис қўйиш усуллари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Кўрак бези хасталикларини аниқлаш учун бемор маммолог шифокор текширувидан ўтгач, шифокор тавсияси билан ультратовуш, маммография, цитология ташхислари ўтказилади. Шундан сўнг, агар лозим бўлса, бемор компьютер томографияси ва шу каби мураккаб текширувларга тавсия этилади.

— Беморларнинг аксарияти пойтахтдаги марказий касалхоналарга келиб текширувлардан ўтишни маъқул кўришади. Мутахассис сифатида бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Айни кунларда кўрак безининг хавфсиз касалликларини, уларнинг диагностикаси ва турлари ҳақида аёллар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Афсуски, кўрак безида нохуш ўзгаришларни сезган аёлларнинг ҳаммаси ҳам дарров мутахассис шифокорга мурожаат қилмай, қайси касалхонада таниши бўлса, ўша ерга боришади. Натижада, онко-маммолог оддий бир текширув орқали ташхис қўйиши мумкин бўлган хасталик аниқлангунча турли шифокорлар эшигида сарсон-саргардон бўлиб, касалликни ўтказиб юбораётганларга ҳам дуч келяпмиз. Ваҳоланки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, саратон хасталикларининг олдини олиш борасида ўзига хос тизим шакллантирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигида бош онколог фаолият олиб бормоқда.

Врачлар малакасини ошириш институтининг профессорлари, бўлим бошлиқлари ҳар бир вилоятда ўз йўналишидаги хасталикларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш ишларини назорат қилиб туради. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган онкологик диспансерлар ишлаб турибди. Уларда фаолият юритаётган шифокорларнинг барчаси малакали мутахассислардир. Беморлар узоқ йўл босиб, сарсон бўлмай ўзлари истиқомат қилаётган туман марказидаги мутахассисларга учрашиб, текширувдан ўтишлари мумкин.

Ҳамроҳом МУСУРМОНОВА суҳбатлашди.



Биласизми?

САРИЁҒ

ҚАНДАЙ ТАНЛанади?

Сариёғни севиб истеъмол қилмайдиган одам кам топилса керак. Савдо расталаридан сариёғ ўрнига адашиб, маргарин сотиб олаётган одамларни ҳам учратяпмиз. Бунинг сабаби, уни харид қилаётганда нималарга эътибор бериш лозимлигини ҳамма ҳам билвермайди.

Сариёғ таркибидаги сут ёғларининг 90-95 фоизи организмда тез ҳазм бўлиши билан бошқа ёғлардан ажралиб туради. Унинг таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган ёғ кислоталари, фосфатлар, оксил, углевод, А, В, С, Д дармондорилари, бета-каротин, минерал тузлар, лактоза ҳамда холестерин мавжуд. Айна холестерин туфайли баъзилар сариёғ ўрнида ўсимлик ёғини истеъмол қилишни маъқул кўришади. Аслида эса холестерин сариёғ таркибида 0,3 фоизни ташкил қилади. Пишлоқнинг баъзи турларида эса 1,7 фоизгача холестерин мавжуд.

Холестерин инсон организмни учун худди туз, шакар каби зарур, лекин меъёрдан ошиб кетса зарарлидир. Диетологларнинг фикрига кўра, кундалик истеъмол қилинадиган сариёғ миқдори 20 грамм атрофида бўлиши лозим. Шунда организм учун 9 фоиз холестерин қабул қилинган бўлади. Демак, 1-2 бўлак нонга суртилган сариёғнинг ҳеч қандай зарари йўқ. Бу меъёр организм учун жуда фойдали бўлиб, кўриш қобилиятини яхшилаб, тери ҳамда сочларнинг мустаҳкам ва соғлом бўлишини таъминлайди. Сариёғ, айниқса, шамоллаганда жуда фойдали. Атеросклероз ва тромбозга лебист касаллигига чалинганлар сариёғдан камроқ тановул қилганлари маъқул.

Сариёғ тез бузиладиган озука маҳсулоти бўлгани учун уни қоронғи жойда, +12 даражадан юқори бўлмаган ҳароратда, 20-30 кун давомида сақлаш мумкин. Муддат ўтган сариёғнинг ранги ўзгариб, таъми шўр бўлиб қолади. Бундай сариёғни эритиб, туз сеппиб, сўнг турли сабзавотларни қовуриб таом тайёрлашда ишлатса ҳам бўлади. Янги тайёрланган ёки харид қилинган сариёғни пишган, тайёр таомга аралаштириб истеъмол қилиш мумкин.

Сифатли сариёғ бир хил рангда, текис, силлиқ, тиниқ кўринишга эга бўлади. Шунингдек, бир текисда кесилади. Каттик ҳолатида пичоқ тортилганда уқалиниб, бўлиниб кетса, демак, бу яхши навли сариёғ эмас.

Қоғозга ўралган сариёғни сотиб олишдан аввал уни қўл билан озгина босиб кўриш керак. Сифатли сариёғ қоғозидан тез ажралмайди. Агар ўралган қоғоз осон ва тез ажралса, қўлингизда сифати бузилган сариёғ ёки маргарин турибди.

Латофат САДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Кодир бобо Тўхлиев!

Сизни муборак 80 ёшингиз билан табриклаймиз. 100 билан юзлашиб, болалар, неваралар, чевараларни роҳатини кўриб юриш насиб этсин!

Набиранинг Мансур Тўхлиев, Яққабог тумани Қатагон қишлоғи

ЭЪЛОН!

01.08.2013 йилда Халилов Николай Витальевич номига берилган шаҳар йўловчи транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи №002901-рақамли гувоҳнома йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирнок, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЎТТИЗ ЙИЛ АВВАЛ...

...Узоқдан туянинг ўрқачига ўхшаб қолган таниш девор кўринди. Елкасида ўт орқалаб келаятган боланинг чарчаган оёқларига жон киргандай бўлди. У бир зум тўхтаб, этакка боғланган курмак ўрни бир силкиди.

Бир томонга қийшайиб қолган тахта дарвозани оёғи билан итариб ичкари кириши биланок, бостирма тагида турган сигир ожизгина маъраб қўйди.

Боланинг ҳар кунги юмушидан бири шу — тонг ёришиши билан ўроқ ва этакни олиб, далага чопади. Мактабга кетгунча молга ўт обкелиб, қоринни тўйдириб қўйиши керак. Хаста онасининг бунга қурби етмайди.

Сигирнинг олдига олиб келган ўтнинг ярмини ташлаган бола яна кўчага чикиб, оқиб турган ариқчада ювинди. Айвонда артинаётганида, ичкаридан онасининг овози эшитилди:

— Ғолибжон, болам, келдингми? Менга ярим пиёлагина қайноқ сув бер.

— Ҳозир, ойижон.

Бола ўчоқ томонга юрди. Кечаси ёққан ёмғирда нам тортиб қолган ғўзапоё ҳадеганда ёнавермасди. Ойиси хонага чой дамлаб олиб кирган Ғолибжон:

— Бунча ҳаялладинг? — деди синиқ товусда.

— Ўтин хўл бўбқопти, — жавоб берди у пиёлага чой қуйиб онасига узатаркан. — Ичириб қўямми?

— Ўзим... Сен мактабингга кечикма тагин. Укаларингни ҳам уйғотиб қўй.

— Хўп...

Ғолиб синглисини боғчага, укасини синфига киритиб юбориб, етиб келганида, аллақачон дарс бошланиб бўлганди.

— Қирсам мумкинми? — деди эшик тагида туриб.

— Кириб бўлдинг-ку? Нега яна кеч қолдинг? — алгебра ўқитувчиси унга ўқрайиб қаради.

Ғолиб индамай тураверди. Чунки тўғриси айтгани билан ўқитувчи барибир ишонмайди. Бахоналари эса тугаб бўлган.

— У сизгирини соғиб, хамир қориб, нон ёпиб бўлиб кейин келади мактабга, — деди шу пайт охириги партада ўтирадиган Баходир.

Синфда гуҳр этиб кулги кўтарилди.

— Жим! — чизғичини столга урди муаллим. — Бас қилинглар майнавозчиликни! Ўтир, иккинчи кеч қолмагин.

Барибир Ғолибнинг кайфияти бузилди. У синфдошлари орасида бошини баланд кўтариб юрганни эслолмайди. Ҳатто биринчи синфда ўқиётганида ҳам дадаси ичар, мактабдан қайтаётганида кўчада маст бўлиб ётиб қолган, уст-боши лой, тупроққа беланган отасининг дастидан ўртоқлари олдига мулзам бўларди. Шу-шу у ўзини ҳаммадан олиб қочади. Синфдошлари ҳам пиёнистанинг боласи деб уни менсимади.

Лекин Ғолиб қийналиб бўлса-да, ярим тунгача дарс қилади. Яхши ўқиб, шифокор бўлишни, неча йиллардан бери тўшакдан бош кўтармай ётган онасини даволашни истади. Бўш қолди дегунча қўлига китоб олади. Лекин унинг бирча ташвиши-ю рўзгор ишлари шу ўн беш яшар болақайнинг зиммасида эди.

...Мактабда дарслар тугади. Ғолиб ҳаммадан биринчи бўлиб синфдан чиқди. Уйга тезроқ бориши керак. Онасининг қорни оч қолгани аниқ. Кеча дадаси уйга келмаганди. Ишқилиб, ичиб олиб бирор фалокатга йўлиқмаган бўлсин-да...

— Ғолиб, бугун Абдумалиқнинг тутилган куни. Уйга борамиз экан, сен ҳам келасанми? — синфдоши Аноранинг сўзи унинг хаёлларини тўзғитиб юборди.

— А?

— Хаёлинг қаерда? Келасанми дейман? — қиз асабийлашиб сўзини такрорлади.

— Боролмасам керак, — деди Ғолиб айбдор одамдек ерга қараб.

— Нега?

— Ишларим кўп.

— Нега сира болаларга қўшилмайсан?

— ...

— Анора! — қизни дугоналари чакирди.

— Майли, ўзинг биласан, — деди синфдоши ва дугоналари томон юғриб кетди.

Ғолиб чуқур хўрсинди. Ўртоқларига ҳаваси келди. Ҳаммаси бахтли. Ботирнинг дадаси директор, Абдумалиқники савдогар, улар мактабга ҳам тез-тез келиб туришади. Доим чирой-

лигини яхши билсам, шундай деди. Бошқа гап тополмади.

— Ойи, мен Нурмат амакимникига бориб келай.

— Нима қиласан?

— Ҳалиги... физикадан битта масалани ҳечам ечолмаяпман. Шундоқ бораману келаман.

— Майли, эҳтиёт бўлгин.

Ғолиб молга ўт солиб, сув берди. Онасига гуруч қайнатиб берди. Кейин дадаси ётган хонага бир мўралади-да, кўчага чиқди.

Нурмат амакиси — дадасининг акаси. Техникумда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Уйдамикан, унинг гапларини эшитармикан? Уларникига келмаганига бир йил бўлди чамаси. Амакиси ҳам уларникига бормаиди...

— Ҳм, кел, жиян, нима гап? Ойинг тузукми? — хушламайгина қарши олди



Тўқилмаган ҳикоя

қаттиқ жароҳат олгачгина ичишни ташлади. Аммо энди унинг ҳам соғлиги яхши эмасди.

Ғолиб мактабни имтиёзли аттестат билан тамомлади. Тиббиёт институтига биринчи имтиҳондан беш олгач, талабалikka қабул қилинди. Кундузи ўқиди, кечаси ишлади. Билими билан ўқитувчилар, шифокорлар эътиборига тушди. Укаларига бош бўлди, онасини даволатди.

Йиллар ўтиб, Ғолиб ўқини битиргач, устозлари тавсияси билан ўқини давом эттирди. Номзодлик ишини ёқлаш ҳаракатида тушди.

Бу кунга етгунча Ғолиб озмунча машаққат чеккани йўқ. У ҳеч қимдан мадад кутмади. Ҳаммасига ўз иродаси, қучи билан эришди. Ниҳоят, ўш узоқ қутилган лаҳзалар ҳам етиб келди. Номзодлик ишини ёқлайдиган куни дадаси ва ойисини пойтахтга олиб кетди. Саломатлиги анча тикланган Махбуба опа ҳам, ичкиликни бутунлай ташлаган, бироқ қўлтиқтаёққа суяниб қолган Одил ака ҳам ўғлининг эришган ютуқларидан севиноар, самимий дил изҳорларини эшитиб, кўзлари қувонч ёшларига тўлди.

Номзодлик иши муваффақиятли ёқлангач, Ғолибнинг шарафига дўстлари мўъжазгина кафедра базми уюштиришди. Бу куннинг шуқуҳи, қувончи бошқача эди. Ҳар икки гапнинг бирида дўстлари билан ҳазиллашиб, хандон отиб куз билан ҳазиллашиб, кўнрақ қўйиб, Ғолиб бир вақтлар кўрган қийаётган Ғолибни тамоман унутганди. Ичкиликларини

...БУТ...

...Энди Ғолиб чин маънода оғир машаққатли ҳаёт чиғиригидан ўтиб, қийинчилик ва машаққатлар устидан мардона ғолиб бўлган эди. Бир замонар унинг устидан кулганлар энди ортидан ҳасад ўрнига ошқора ҳавас қилишаётганини яширмасди. У бахтини ҳам шаҳардан топди — ўзи билан бирга ўқиган, яхши оиланинг қизига уйланди, шаҳарнинг чеккароғида мўъжазгина икки хонали уйи, бир ўғил, бир қизи бор. Эр-хотин бир жойда ишлашади.

Кечаги қувончли кечанинг завқини туйиб ухлаётган Ғолибни хотини уйғотди:

— Тезроқ турсангиз-чи, қаранг, ойим билан дадаминг саҳармардондаёқ турволишиб, сумкаларини тайёрлаб, кетамиз деб ўтиришибди.

— Ҳўш, қани чол-кампира, сизларга йўл бўлсин!

Махбуба опа кулимсираб, ўғлининг пешонасидан ўпди-да:

— Ғолибжон, ўғлим, энди бизларнинг сафаримиз қарибди. Бир ҳафтадан бери шу ердამиз. Энди, сендан кўнглимиз тўқ, кечаги мақтовларни эшитавериб, бошимиз осмонга етди. Насиб этса, болаларинг билан қишлоққа борган кунларинг, тўйни бошлаймиз, ўғилчанг ҳам катта бўлиб қолибди. Бир томондан синглингга ҳам совчиланг келиб турибди. Эшигимизда кулф турса, хунук бўлади, қани дадаси, бир дуо қилинг, йўлга тушайлик, — деди.

Ғолиб уларни машинага ўтказиб, совға-саломлар билан кузатиб қўйди. Уйга қайтиб кирди-ю, лекин ўзини ёлғиз қолиб кетгандек сезди. Аёли болаларини истироҳат боғига олиб кетибди. Шу лаҳзада яна ўтган умр йўлларини эслади. Бирдангина орасида ҳатто аёлига ҳам қўрсатмай ёзиб юрадиган қундалик дафтарини очиб: "Бу дунёда яшашнинг ўзи бир буюк бахт эмасми? Ҳамма азоблар, қийинчилик, кўргиликлар ортда қолди. Умр ўткинчи, ота ганимат, она ганимат, уларни тирикчилигидагина қадрламок керак экан!" деган сўзларни битди...

Шахло ИСМОИЛЖОН қизи.
Наманган вилояти.



АНТИҚА ИСМЛАР

Фарзандига чиройли исм қўйиш ота-оналарнинг масъулиятли бурчларидан бири саналади. Аммо ҳамма ҳам бу ишга жиддий қарайвермайди. Кимдир боласига энг антиқа исм қўйгиси келиб қолади. Фарзанди унга қайсидир воқеани эслатиб туришини истаб исм танлайдиганлар ҳам бор.

Машхур рассом Пабло Пикассо-нинг исмини эшитмаган киши бўлмас керак. Аммо унинг тўлиқ исми ҳақида деярли камдан-кам маълумот бор. Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Непомукено Криспин Криспиано де ла Сантиссима Тринидад Руид де Пикассо — мана расмнинг тўлиқ исми. Лекин испанияликлар учун бу оддий ҳол ҳисобланади. Чунки уларда жимжимадор исмлар талайгина. Гавайя ороллари-дан биридаги мактабга келган қизалоқнинг исмини синф журналига тўлиқ ёзишнинг ҳеч иложи бўлмабди. Чунки қизнинг исми юзта ҳарфдан ташкил топганди. Мана У: Напу — Амо — Хаа — Она — Она — Анека — Вехи — Вехи — Она — Хивеа — Нена — Вава — Кехо — Онка — Кахе — Хеа — Леке — Йеа — Она — Ней — Нана — Ниа — Кеко — Оа — Ога — Ван — Ван — Ика — Ванао. Ушбу исм ўзбекчада қуйидагича мазмунни ифодалайди: “Водий ва тоғларнинг гуллари Гавайяни ўз ифори билан тўйинтиради”.

Энг узун исмлар ҳақида гапирилганда ҳайратда қоламиз. АҚШнинг Монтана штатилик С.Эллен Жоржина Сер Диккенс 1979 йилда туғилган. Аммо аҳамиятлиси бу эмас. Унинг исмидаги биринчи С сўзи узайтирилганда 598 ҳарфдан иборатдир. Яқинлари уни оддийгина қилиб Оли деб чақиряшди.

Ҳиндистоннинг Орисса штатида истиқомат қилувчи баъзи инсонлар борки, улар бир-бирлари билан, бизнинг тилга таржима қилинганда, қуйидагича сўзлашади: “Салом икки килограмм гуруч”. Ҳиндистоннинг бу штатида дунё бўйича энг галати исмлар жамланган, дейиш мумкин. Икки килограмм гуруч аслида давлатнинг бола туғилиши билан оилага қилган эҳсонини билдиради. У ерда ҳар бир оилада фарзанд туғилса, суюнчи сифатида шунга гуруч ажратилади. Кандхонма қишлоқларида яшовчи бир қизнинг исми ўзбекча таржима қилинганда “Мен қартошкани яхши кўраман” деган маънони билдиради.

Чикагодаги Жексонлар оиласи 5 нафар боласига Менингит, Лорингит, Аппендицит, Перитонит, Тонзилит каби исмлар қўйишганига нима дейсиз? Францияда фамилияси 1792 бўлган инсонлар яшашган. Шу тарихи Январь 1792, Февраль 1792 исмлари пайдо бўлган. Март 1792 — бу авлоднинг энг сўнгги вакили бўлиб, 1904 йилнинг сентябрь ойида вафот этган.

Назокат ХАМРОКУЛОВА
тайёрлади.



ХОВЛИ ТАЛАШМАГАНИМ УЧУН...

Ота-онамдан қолган ховлида укам иккимиз яшардик. Унинг уч, менинг эса икки фарзандимиз бор. Шу орада турли баҳоналар туфайли келиним билан аёлим келишолмай, тез-тез жанжаллашиб қолишарди. Аста-секин хотинлар ўртасидаги машааш бизларга таъсир қилди ва ўз туғишган укам бетинг-кўзинг демасдан ошқора тарзда бир-икки марта “Бу ховлида ё сиз яшанг, ё мен” деса бўладими. Бу можарога қариндошлар ҳам аралашди, барибир аёлларни муромага келтиролмадик. Алам устида хотиним ёлғиз қолган отасиникига қўчиб ўтишни таклиф этди. Менинг эса ичкўёв бўлиб яшашга эркаклик гурурим йўл бермади. Ниҳоят, ижара уйга кўчдик. Бир кун жанжал чиқ-

қан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, деганлари рост экан. Оиламдан хайр-барака кетди, аёлим ҳам ўзгариб, мени ношудликда айблаб, укамга қарши қайрай бошлади. Қандай қилиб бўлмасин, иним билан уй таллашиб, уни судга беришимни талаб қилар, мен эса куну тун тиним билмай ишлаб йиққан оз-моз пулимга шаҳар чеккасида икки хонали уй оламан деб турсам, у йўқ, ўша ховлини тортиб олмасангиз, сиз билан яшамайман, деди-да, отасиникига аразлаб кетиб қолди. Ўртага маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар тушди, қайтиб келмади, ноилж уч йил деганда ажрашдик. Кейин икки хонали уй сотиб олдим. Рўзгоримни бутладим. **Ёшим 45 да.** 40 ёшгача бўлган, сариштали, уйим-жойим дейдиган аёлга уйланиб, уни бахтли қилмоқчиман.

ШОКИР,
Фаргона вилояти.

АЙБСИЗ АЙБДОР

Жияним Шухрат ёзги таътилда бизникига меҳмонга келди ва қайнукам билан анҳорга қўмилишга боришди. Бахтсиз тасодиф туфайли қайнукам қўчиб, ҳалок бўлди. Шу воқеадан сўнг қайнонам: “Кўзимга балодек кўриняпсан, сени кўрсам, қон босимим ошиб кетяпти”, деб турткилайдиган бўлди. Хўжайиним ҳам ушбу фалокатда мени айблаб, ҳақорат қила бошлагач, бу уйда яшашдан беизб қолдим. Устига-устак турмуш ўртоғим арзимаган гап-сўзларни баҳона қилиб, болаларимнинг ёнида мени урадиган одат чиқарди. Ана шундай жанжалларнинг биридан сўнг отамникига кетиб қолдим. Олти ой ўтса ҳам ҳеч ким ортимдан йўқлаб бормади. Болаларим уйимизга кетайлик, дадамини соғиндим, дея хараша қилавергач, бошимни эгиб бордим. Аммо қайнонам ҳам, турмуш ўртоғим ҳам қабул қилишмади. Ноилж яна ортимга қайтдим. Шундан сўнг болаларимни баҳоли қудрат боқиш учун ишга кирдим. Барибир уйдан чиққан қиз чигирикдан ташқари, деганларидек, баъзан келинларнинг гийбати, баъзида қўни-қўшилларнинг гап-сўзларини эшитиб, эзилиб кетаман. Ҳар ким ўз оила-сида тинчисин экан-да. Шу боис сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим. **Ёшим 32 да.** 40-45 ёшгача бўлган, касб-кори, уй-жойи тайин, энг муҳими, икки фарзандимга оталик меҳрини бера оладиган инсон билан танишиб, оила қурмоқчиман.

НАЗОКАТ,
Хоразм вилояти.

ОНАСИНИНГ ЭРКАСИ

Жавлон ака онасининг бир кўлаб боққан ёлғиз ўғли. Қайнонам совчиликка келганида онам: “Ёлғиз ўғилга турмушга чиқаяпсан, овсинлар билан таллашиб-тортишиб, деган нарсалар йўқ, тинчгина яшайсан”, деганди. Афсус, волидам адашган экан. Қайнонам овсиндан ҳам баттар чиқиб қолди. Нимасини айтай, келинликнинг илк пайтларидаёқ нинанинг учиде ўтиргандек, ҳадиқда яшадим. Эрталаб тонг отар-отмас, деразининг ёнига келиб олиб бақир-чақир қилар, эшикни жаҳл билан очиб, бизлар ётган уйгама уялмасдан кириб келаверарди. Охири қайнонамнинг бутун фикру хаёли ўғлини мендан совитиш, ўзига оғдириб олишдан иборат бўлиб қолди. Эрим ишдан қайтди дегунча ёнларига ўтириб олиб, мени ёмонлашдан зерикмайди, денг. Тирноқ ичидан кир қидиради. Худди ўз турмуш ўртоғимга бегонадек, бир оғиз ҳам гапирмай юраман. Охириги пайтларда эр-хотин имо-ишора орқали гаплашадиган бўлдик. Шунда ҳам қўлоғимиз тинчимади. Фарзандим туғилганидан сўнг, ўғлим уйкуга тўймапти, алоҳида хонада ётсин, деб хараша қилавергач, ёнимдаги хонага қўчириб қўйдим. Хўжайиним қизчамни қўлига олса, дарров юлқилаб тортиб олади. Онасининг бундай қилиқларидан чарчаган хўжайиним ҳам асабий бўлиб қолди. Энг ёмони, онасини тинчлан-тириш учун баъзан мени урадиган одат чиқарди. Маҳалла маслаҳатчилари, фаоллар ўртага тушиб, қайнонамга насиҳат қилишди. Барибир бундай аёлни ҳеч ким муромага келтиролмади. **Ёшим 27 да.** Ўз оиласини мустақил равишда тебрато оладиган, касб-кори, уй-жойи тайин киши билан турмуш қуриш ниятидаман.

ХАДИЧА,
Сирдарё вилояти.

SMSЛАР АЙИРДИ БИЗНИ

Ота-онам 21 ёшимда ўзим ёқтирган, ички ишлар соҳасида ишлайдиган Хуршид исмли йигитга турмушга уза-тишган эди. Тўйдан сўнг икки йил ўтиб, ўғилчали бўлдик. Гўзал ҳаётимизга янада мазмун кириб, кунларимиз файзга тўлди. Бу орада шахсий машина, алоҳида уй-жойга эга бўлдик. Аммо... Қўтилмаганда эримнинг менга, рўзгорга бўлган муносабати ўзгара бошлади. Ишдан қайтганидан кейин уйда телефондан бўшамасди. Менга ҳам, ўғлимга ҳам безътибор бўлиб қолгач, кўнглимга шубҳа оралади. Ярим тунгача ким биландир хабар ёзишар, зарурат юзасидан ташқарига чиқганида ҳам, телефонини ўзи билан олиб кетарди. Бора-бора ҳатто дастурхон устида ҳам қўлидан телефон тушмай қолди. Тасодифан телефонига бегона аёлдан келган беҳаё хабарларни ўқиб қолдим. Рашк азобида ёниб, унинг кимлигини сўрасам, шунчаки танишим, сенга нима кизиги бор, деб жеркиб берди. Кейин эса уйга икки-уч кунлаб келмайдиган одат чиқарди. Маълум бўлишича, эрим ўзидан беш ёш катта, енгилтабиат бир аёл билан яширинча яшаб юрган экан. Бу мен учун қўтилмаган зарба бўлди. Бутун қалбим билан севган инсонимдан бундай бевафолликни кутмаган эдим. Айримлар бахтсизлигида тақдирни айблайди. Мен эса бевафоллик олдида ожиз қолдим...

Шўқрки, яқинларим, жигарларим қийин кунларда менга далда беришди. Уларнинг ёрдами билан ҳаётда ўз ўрнимни топишга интилиб яшаяпман. **Ёшим 28 да.** Оиласини қадрлайдиган, аёл сифатида эъозлайдиган, инфо-ли-диёнатли инсон учраса, оила қуриб, фарзандлар камалини қуришни истаيمان.

НОИЛА,
Жиззах вилояти.

ШАХСИ НОМАЪЛУМ КУЁВ

— “Бахтли бўлинг” рукнида берилган “Жиянларим узатилса”... номи мақолада сурхон-дарёлик Наргиза, Соҳиба, Ҳилола деган қизларнинг тақдирини ҳақида ёзилган эди. Қизларнинг кенжаси Ҳилола билан танишиш истагида сизларга кўнгирак қилаяпман.

— Илтимос, аввал ўзингизни таништиринг..
— Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида яшайман. Аммо исминини айтолмайман, опа, бу сир.

— Таҳририятга мурожаат қилганлар танишмоқчи бўлган аёлларнинг телефон рақамларини олишдан аввал тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

— Ҳилола билан телефон орқали боғланиб, танишганимиздан сўнг ҳужжатларимни топширсам дегандим-да. Борди-ю, бир-биримизга ёқмай қолсак, оворагарчилик бўладими, деган ниятда...

— Афсуски, биз бу тарзда сизга маълумот беролмаймиз. Ким билади, сиз балки аёлингиз билан қўниги никоҳдадирсиз...

Сўзимиз шу ерга етганида йигит хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, гўшакни қўйиб қўйди. Биз эса шахси номаълум муҳлисизнинг асл мударосини тушунгандек бўлдик.

ПУЛНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

Пулсиз бир кунгина яшашни тасаввур қилиб кўринг-чи. Мумкинми, асло йўқ, ҳеч иккиланмасдан уни сув ва ҳаво қалар азиз ва қадри эканлигини изоҳлаш, уқтириш шарт эмас. У бизнинг кундалик эҳтиёжларимиз ва келгуси режаларимизга қаратилган сарф-ҳаражатларда асосий мезон эканлиги оддий ҳақиқат. Одатда, ота-оналар фарзандларини кўчага кузатиб кўятганида биринчи ҳамма нарсалардан аввал, пулини эҳтиёт қилишни қайта-қайта уқтиришади. Бу ҳам бежиз эмас. Халқимизда яна бир азалий қоида ҳам бор, яъни қаерда бўлишдан қатъи назар, ерга тушган нон бўлагини кўрсак, авайлабгина бир четта олиб қўямиз. Биламизки, ноннинг уволи ёмон. Шу маънода ҳеч иккиланмасдан айтиш жоиздир, пулнинг ҳам нондан қадри кам эмас, азизлар. Уни қадрламаган киши аябдига бир кун келиб, уволига қўлини кўпгина ҳаётини воқеалар исботлаган.

Ҳар бир одам ёнида доим озми-кўми пул бўлишини истайди. Уйдан чиқаётган киши заруратда қараб пул олган-олмаганига эътибор беради. Баъзан шопилданидан уйда ҳаминини унутиб қолдирган одам машина ярим йўлга етганида ногоҳ эслаб қанчаллик безовта бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хуллас, биз бу аjoyиб ҳаётини эҳтиёжсиз яшашимиз мумкин эканлигини яхши биламиз, лекин... Баъзан қўлингиздаги пулнинг четига кимлардир рўча билан ёзган турли ёзувларни кўриб дилингиз хира тортади. Ҳисобни билдирган сонлар, телефон рақамлари, исм-

лар ва ҳоказо... Ажабланирлиси, бу ҳол ёш болаларнинг эмас, аксинча, катталарнинг бемаъни иши эканлиги шундоққина фаҳмлайсиз. Яна бир ажабланирли ҳолатни балки сиз ҳам кузатгандирсиз. Турли хилдаги кассалар олдида навбатда турган кишилар дарча ортда қўли қўлига тегмай хизмат вазифасини бажараётган ҳолимнинг баъзан ҳозирги-



на санатган пул дастасини бойлаб, энг устидаги пулга шартта ҳисобини ё бошқа белгини аниқлашчи рақамини, ёзиб қўйишини кўрганмиз. Бирор инсофироғи "Барака топтур, ҳеч курс, қалам билан ёзинг" дейиши мумкин, бироқ ҳодим унга царво қилмайди, эътироз ҳам билдирмайди. Менимча, пулга бу каби ҳисоб-китоб лафзаридай қараб, унинг юзига бир чизик тортиш ҳам ўта ҳурматсизликдир. Афсуски, улар ёзган рақамлар ўчиб кетмайди, пул билан бирта қўлма-қўл кезиб, бошқаларга "ибрат" кўрсатаверади. Айниқса, болалар бу ёзувларни кўрганда, демак, пулга ёзиш мумкин экан, деган ўйга бориши таби-

ЧЕКИШГА УНДАГАН ШАХС

Усмир ёшидаги болани тамаки махсулотлари, сигарета, айрим ҳолларда гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишга жалб қилган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланганми?

К. Жумаева.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188-моддасида вояга етмаган шахсни гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларга, жумладан, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йилгирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Жиноят кодексининг 127-моддасида вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилган.

нидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши ҳусусида қайд этилган. Шунингдек, Жиноят кодексининг мазкур моддасига асосан:

"Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш —

уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни гайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши —

ий эканлиги асло эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ахир бу бемаъниликни кези келганда улар ҳам такрорлаши ҳеч гап эмас-да.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш жоиз. Баъзи бир тўй-ҳашамларда ўзини кўз-кўз қилиш учун одамлар устидан пул сочиб, уни ерга тушиб қолганига эътибор бермайдиган ёки шунини ўзига обрў деб биладиган кимсалар ҳам учрайди. Бу ўзини пулдор қилиб кўрсатишми, бойлиги билан мактабнинг орқали ҳурмати-ни ошироқчи бўлишадими, бундан ажабланаёз. Бошқалар кўнглида бундай одамга нисбатан ҳурмат ҳисси уйғониши даргумон, аксинча бўлиши ишонарлироқ ҳолдир.

Яқинда шундай бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. Узоқ кўришмаган дўстимизни шаҳардаги кўрклигина кафега меҳмондорчиликка таклиф қилдим. Кўпни столда яхшигина кийинган, зиёнамо кишининг хатти-ҳаракатлари эътиборимни тортди. У официант қизга хушомад маъносидими, беш мингталик пулга ўз телефон рақами ва исмини ёзиб узатди. Ахир пул оддий ёзув қоғози эмас-ку! Бу ҳолат ҳақида одамнинг аслида маданиятсиз эканлигини билдирмайдими?!

Пул — муомала воситаси, дейилади. Унинг бирор жойига белги қўйиш ёки ёзишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини ҳар биримиз чуқур англашимиз, уни нон каби эҳтиётлашимиз лозим. Бу борада катта ёшдагилар, айниқса, пул билан кўп ишлайдиган масъул ҳодимлар барчага, ҳусусан, ёшларга чинакам ибрат кўрсатишлари айтиш мумкин.

Аброр ҲАКИМОВ,
Тошкент банк коллежи
ўқитувчиси.

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади."

Саволга Юнусобод туман ИИБ
ТБ терговчиси, катта лейтенант
Қаҳрамон ХУДАЙБЕРГАНОВ
жавоб берди.

ТУҒИЛМАГАН МЕРОСХЎРНИНГ УЛУШИ

Васиятда қайд этилган, бироқ, ҳали туғилмаган боланинг улушини қолдирган ҳолда бошқа меросхўрларга мерос тақсимлаши мумкинми?

И. Саидов.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари"га доир 1151-моддасида, жумладан, "Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин"лиги қайд этилган.

Саволга Чирчик шаҳар 4-сон
ДНИ нотариуси Баҳодир
ХАЙРУЛИН жавоб берди.



ТЕННИС. Мамлакатимиз теннис усталари Қозоғистонда ўтган халқаро турнирларда муносиб иштирок этди.

"Фьючерс" туркумидаги турнирнинг яққалик баҳсларида қатнашган



ҳамюртимиз Темур Исмоилов финалда белоруслик Ярослав Шилани 6:4, 6:1 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтган халқаро мусобақанинг яққалик баҳсларида иштирок этган Влада Екшибарова ҳал қилувчи баҳсда грузиялик София Квацабаяни 7:5, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа ғолибига айланди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Латвиянинг Елгава шаҳрида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда терма жамоамиз аъзоси Иван Зайцев найза улоқтириш баҳсларида 81,73 метр натижа билан мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. Мезбон спортчи Роланд Штробиндер қумуш, украинлик Александр Ничипорчук бронза медални қўлга киритди.

СУЗИШ. Польшада паралимпиячилар ўртасида ўтказилган мусобақада ҳамюртимиз Дмитрий Хорлин муносиб иштирок этиб, бир йўла учта олтин медални қўлга киритди.

Спортчимиз мусобақанинг 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида маррани 4 дақиқаю 18,32 сонияда, 200 метрга эркин сузишда 2 дақиқаю 04,52 сонияда сузиб ўтиб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди ва ҳар икки йўналишда Осиё рекордини янгилади. 100 метрга эркин усулда сузишда эса 56,84 сония натижа қайд этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

25.06.2013 йилда Клинов Сергей Семёнович номига берилган шахар йўловчи транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'зР №001773-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва oilаларини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором
МАТКАРИМОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 737. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —
6744. Баҳоши келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5